

## **ХИХ АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**Раматов Ж.С.**

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

**Валиев Л.А.**

valiyev133@gmail.com

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти

**Хасанов М.Н.**

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ассистенти

### **АННОТАЦИЯ**

*Фалсафий тафаккур ривожига ҳинд фалсафаси таълимотларнинг ўрни мавзусидаги мақоламизда 17 -18 асрларда Ҳиндистондаги сиёсий – ижтимоий вазиятни очиб берган. Шу билан бирга бу замин учун курашган сиёсий фаолларнинг йўллари ва ватан учун унинг мустақиллиги ҳамда сиёсий қарамликдан қутулиш усуллари ҳам кўрсатиб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** Урбанизациялашув, заминдорлар, табақа, витса – қирол, Гопал Кришна, Карамчанд Ганди, мўтадил ҳаракат идеал шахс.*

### **ABSTRACT**

*In our article on the role of the teachings of Indian philosophy in the development of philosophical thought, he revealed the political and social situation in India in the 17th-18th centuries. At the same time, the ways of the struggle of political activists for this land and its independence for the Motherland, as well as ways to get rid of political dependence are shown.*

***Keywords:** Urbanization, landowners, class, viceroy, Gopal Krishna, Karamchand Gandhi, moderate movement ideal personality.*

### **КИРИШ**

Ҳиндистон кўп асрлик тарих эга буюк давлатлардан биридир. Лекин ХХ аср бу давлат тарихида жуда катта ўзгаришлар бўлиб ўтган давр ҳисобланади. Айнан шу вақт Ҳиндистон ўз мустақиллигини қўлган киритган муваффақиятли давр деб билсак, шу билан бир вақтда ҳукуматда катта йўқотишлар асри деб ҳам айтишимиз мумкин сабаби, Покистон ва Бангладеш давлатлари ҳам айнан шу даврда Ҳиндистондан ажралиб алоҳида давлат сифатида дунё харитасидан

жой олган даврдир. Ҳиндистон бу вақтда дунёнинг колоқ давлатларидан бири эди. “Бу давргача давлатни ижтимоӣ, сиёсий ва иқтисодий муаммолар қийнаб келди: аҳолининг қашшоқлишиб бориши, турли хил эпидимияларнинг тарқалдиши шундоқ ҳам қийн бўлган халқни баттар қийинчилик гирдобига киргизиб аҳолининг катта қисмининг ўлимига сабаб бўлди. Уртача умр ёши пасайиб кетиб йигирма уч ёшни ташкил этди, Бу ишларнинг асосий сабаби давлатнинг мустамлакалиги эди”<sup>1</sup>. Ҳиндистонда Ғарб таълимини олиб кириш, ғарбча ғояларнинг кенг тарқалишига ҳам сабаб бўлди. Жумладан ҳинд маданиятига христиан миссионерларининг фаолияти билан ҳиндиузмнинг янгича кўриниши шакллана бошлади. Ҳиндиузмнинг янгича кўринишдаги шаклланиш ҳиндларга ватанпарварлик ва инглиз ҳукуматига қарши курашнинг кучайишига сабаб бўлди.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Адабиётларимизнинг барчаси хориж адабиётларидан ташкил топган бўлиб, асосан мақоламиз мавзуси асосида йиғилган. Мана шу адабиётларимиздан Булгаков С.Н., свящ. Тихие думы ва Ауробиндо Гхош. Человеческий цикл асарларида инсон ҳаётининг олий мақсади ва инсон онгининг Supermind даражалари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари Cooper J. The ancient teaching of Yoga and the spiritual evolution of man. L. ва H.Chaudhuri ning Sri Aurobindo: the prophet of life divine. Calcutta адабиётларида қадимги Ҳиндистон динларидаги табақаланиш масаласи кенг ёритилиб, бундай ижтимоӣ табақаланиш ҳинд ҳукуматида ҳозирда ҳам сақланиш сабаблари айтиб ўтилган ҳамда бу манбаларимиздаги маълумотларда шахсий таҳлилларимиз ҳам киритилиб ўтилган.

### **НАТИЖАЛАР**

Мўътадиллар ғарбча маданиятни жамиятдан сиқиб чиқариш учун Бҳагавадгитага ғояларидан фойдалана бошлади. Улар янгича маданиятга эга иқтисодиёти гўркираган ҳукуматда яшагандан кўра ўлим афзал дея халққа мурожаат қилдилар. Бу пайтда экстримистлар ҳам қул қовуштириб ўтиришмадилар. Улар халқ орасидаги “қутлуғ Англия ҳукумати” ва мутилиқ сиёсати” каби айрим гапларга иддао билан чиқиб жиддий норозиликлар билан қайтаришди яъни Британиянинг Ҳиндистонни иқтисодий мустамлакалигидан озод қилиш Конгресс ва инқилобчилар олдидаги асосий вазифа сифатида

<sup>1</sup> Ш.Пўлатов. XIX аср охири XX аср бошларида Ҳиндистондаги ижтимоӣ – сиёсий вазият. Acadimec research in educational sciences. Vol 1. Issue 4.2020. 469-474 b

олдинга ташланди. Бундан ташқари яъна мўтадиллар ўз олдида жамиятдаги ижтимоий вазифаларни аниқроқ қилиб айтганда аёллар ва қизларни таълим олиши масаласини биринчи ўринга олиб чиқди. Бу эса кейинчалик уларнинг Конгрессдаги сиёсий ва иқтисодий позицияларини йўқотишига олиб келди. Шу каби қизғин сиёсий масалалар Конгресснинг кейинги 10 йиллик даврини ижобий томондан сиёсий ўзгаришлар томон етаклади. Бу вақтга келиб инглизлар ҳиндлар учун катта аҳамиятга эга бўлмаган сиёсий ва конституциявий ўзгаришлар қилди лекин, халқ аҳволини энгиллаштирадиган иқтисодий ислохатлар ўтказишдан бош тортди. Шу сабабли ҳам ҳукуматда катта овоз тўплам ледирликни сақлаб турган мўтадилларни аҳволини баттар оғирлаштирди.

### **МУҲОКАМА**

Мўтадиллар вакилидан чиққан Гоҳали 1905 йилда президент сифатида қуйидагича нутқ сўзлади: ҳукуматни мақсади ҳинд халқи учун уларнинг фаровон яшашидир. Бунинг учун биз яхшими ёмонми инглизлар билан тақдиримизни бирлаштириш ва уларнинг ривожланган иқтисодиётини ўзимизга жорий этишдир”. Бу каби сўзларнинг ҳукумат отасининг оғзидан чиқиши Конгрессда 20 йиллик вақт давомида давлат бошқариб келган гуруҳнинг обрўсига катта таъсир қилди. Аслида мўтадиллар аъзоларининг қони ҳинд бўлишига қарамасдан ўзларининг юқори ғарб маданиятига эга аслзодалардек кўрар эди. Шунга қарамасдан уларнинг мақсадлари ҳиндларни юқори мансабларга кўтариб, ҳокимиятни тўлиқ ўзларининг қўлига ўтказиш эди. Тушуниш азгина қийинчилик тўғдириш мумкин, қандай қилиб Ҳиндистонда бўла туриб ҳокимиятга ҳиндлар ўтказишни мақсад қилганини сабаби, мустақилликка қадар ҳинд ҳукуматининг аксарият қисми инглиз амалдорларидан ташкил топган эди. Бундан ташқари жамиятдаги ижтимоий масалаларни ҳукумат даражасига олиб чиқди, давлат ҳудудига бошқа жойлардан кириб келаётган товар учун бож тўловларини бекор қилиш тўғрисидаги таклифга қарши чиқди, оддий халқ учун бериладиган кредитларни, ирригация ва қишлоқ хўжалигида ислохатлар ўтказишни ва далада меҳнат қилувчи ёлланма ишчиларнинг шароитларини яхшилашни талаб қилиб чиқди. Шу билан бирга халқ орасида аҳолини қашшоқлашуви ошиб бораётганига қарши чоралар кўришни ҳамда оммавий ахборот воситаларига қўйилган чекловларни таг туғи билан олиб ташлашни қаршисиз талаб қилди. Хусусан Тилак ҳукумат қарши чиқишлар қилгани учун 18 ой давомида ҳибсда ушлаб, у нима

сабадан хибсда ушланиб турганлигини туғрисидаги маълумотларни матбуотда ёритмаслигини ҳукумат қаътий назорат қилди.

Мўтадиллар кенг қамровли ижтимоийлашувни амалга ошира олмаганлиги сабабли уларни жуда тор доирадаги халқ вакиллари билишар эди. Улар фақат шаҳар миқёсидагина чиқишлар қила олди ҳолос. Бу эса уларнинг заиф томонига айланди. Лекин бундай камчиликларига қарамай мўтадиллар тинч йўл билан конституциявий ислоҳотларни босқичма – босқич амалга оширишга киришди бироқ, бу узоққа чўзилмади сабаби, инглиз ҳукумати мустамлакачилик сиёсати жиловини қаттиқ тутиб “бўлиб ташла ва ҳукмронлик ” қил шиорини амалга ошира бошлади. 1905 йилда Бенгалия алоҳида давлат сифатида ажралиб чиқиши аниқ бўлиб қолганида мўтадиллар ҳаракатининг обрўси пастлай бошлади. Бу этмагандек экистримистларнинг ҳам инқилобий ҳаракатлари камдан кам ҳолатда кўзга ташланадиган бўлди.

Асли бенгал миллатидан бўлган ҳинд ўғлонларидан бири Тагор ҳам бу вақтда қўл қовуштириб утирмасдан инглизлар учун бошланган товарлар бойкотига катта урғу бериб Бенгалияликларни бунга жуда катта пропагандага тортар эди. Бу учун Ауробиндо Гхош каби қадимги ҳинд дини таълимотидаг фойдаланган ҳолда Гхошнинг “Банди матарам” номли мустақилликни англатувчи шерий чақириғига мусиқа басталади ва бу тез фурсатларда омма эътиборига озодликни англатувчи кўшиққа айланди. Кейинчалик бу халқ учун Она Ҳиндистон мадҳияси билан бир қаторда турувчи муқаддас ҳиргоя бўлиб қолди. Тагор ўзининг дастлабки асарларида бошқа миллатпарвар файласуфлар қаторида ғарб маданиятининг Ҳиндистон урф – одатларига таъсири тўғрисида кўп тўхталиб ўтди. Унинг ёзишича “Ғарб маданияти ҳинд анъаналарини емириб бормоқда, Европада буюкликка даъво қилувчи инсонлар жуда кўп, улар бу интилиши давомида ўзлигини юқотиб бориб кам одамгина буюкликка еришади. Қадимги ҳинд таълимотлари ва ҳозирги маданиятимиз ғарб одатларидан устундир сабаби инсонлар бу ғоялардан маънавий озуқа олиб ҳаётдан қониқиш ҳосил қилади”.

Тагор 1906 йилда Каликуттада бўлиб ўтган Конгресс сессиясида нутқ сўзлайди. Ўз нутқида бенгалияликлар ўз ватани Бенгалиянинг географик яхлитли учун эмас балки бенгалия адабиёти ва тили билангина ўзларини бенгаллар деб аташади. У халқни маънан ўз аҳамиятини юқотган фойдасиз сиёсатдан воз кечишга, мустамлакачилар тилида сўхбатлашиб уларни хурсанд қилиш ўрнига самарали ишлар билан шуғулланишга чақирди. Шу билан бирга у қишлоқларда ҳақиқий ҳинд жамиятини қайта тиклаш талаби билан чиқди.

Унинг бу талабини қишлоқларда минглаб одамлар ёқлаб чиқиб, кўпгина қишлоқ самитлари унга ижобий жавоб қайтарди.

1905 – 1908 йилларда “Свадиш (озодлик)” ҳаракатини қўллаб қувватловчи кўплаб ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Булар Жугантар (Янги давр), Тонг жамияти, Салом сенга Ватан ҳамда Анушин Самиттининг (Маданият ва жисмоний тарбияни ривожлантириш) жамиятлари эди. Бу ташкилот ва жамиятлар Бенгалиянинг маданий жозибасини очиб, унинг уйғонишига сабабчи бўлди. Бундан ташқари шу йиллар оралиғида мустақиллик даъват этувчи кўплаб босмаҳоналар ташкил топди. Улар Б.К.Гҳош ва Бупендранатх Дата томонидан ташкил қилинган “Жугантар” ҳафталик журнали, Ауробиндо Гҳош “Бандиматарам (Салом сенга Ватан)”, Упадья “Сандхья (Кечги ибодат)” Бепин Чандра Пала “Янги Ҳиндистон” каби нашриётлар ўз ишини бошлади. Буларнинг барчаси юыорида таъкидлаганимиздек миллий озодлик ҳаракатини қўллаб – қувватлаб давлат мустақиллиги ва чет эл товарларига оммавий бойкот қилиш тўғрисида мақолалар чоп этди. Бу даврларда мамлакатнинг турли қисмларида оммавий бойкот ҳар хил соҳаларда амалга оша бошлади. Хусусан Мюменсингх оёқ кийим тозаловчилари инглиз зодгонларига хизмат қилишдан бош торди, Каликутта кир ювувчилари инглизлар кийимларини ювиш ва тозалаш ишларини бажармай қуйдилар, руҳонийлар ва имомлар британияликлар тўйларига бормай қуйди, кўпгина дин вакиллари пешволари импорт қилинган туз, шакар, турли хил ширинликларни эъстимол қилиш ўз динларига зид эканлигини ўқтира бошладилар. Шу билан инглиз товарлари бирин – кетин харид қилиш қуввати пасайиб бойкотга учради.

Импорт товарларининг эъстимолини тухтатиш ички бозордаги ишлаб қувватининг ошишига бир томондан сабабчи ҳам бўлиб қолди. Хусусан Англиядан келадиган гугурт, шакар, турли хил оёқ кийимлар ва металл буюмлари ендиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган бўлди. 1907 йилда Бенгалияда инглизлар ҳукуматининг молиявий ёрдамисиз Tata Iron and Steel компаниясининг ташкил этилиши муҳим қадам бўлди. Бу завод кейинчалик ишлаб чиқариш қобилиятини кескин тарзда ошириб, биринчи жаҳон уришида вақтида дунёнинг етакчи заводларидан бирига айланди. Лекин шу билан бирга Ҳиндистоннинг йирик компанияларида сармоя танқислиги юзага килиб айримлари инқироз ёқасига келиб қолди.

1911 йил Ҳиндистон қироли сифатида тож кийган инглиз шоҳи Жорж Ҳиндистондан Бенгалия ажралиб чиқмаслигини ва пойтахт Каликуттадан

Дехлига кўчирилганини эълон қилди. Шу билан Ҳиндистон ҳаётида янги даврлар бошланди, бир томондан яхши сабаби инглизлар ўзи билан дунё маданияти, таълим ва технологияларини киритиб келди, иккинчи томон қадимги ҳиндча маданият ва урф-одатларга кучли таъсир кўрсатди, энг ёмони Британиянинг биринчи жаҳон уришига киришиши Ҳиндистонни ҳам ихтиёри ва мажбурий уришга тортилишига сабаб бўлди. Бошқа томондан эса маҳаллий ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарига инглиз томонидан ҳарбий буюртмалар берилиши уларни молиявий жиҳатдан анча кучайтириб юборди. Урушда Ҳиндистоннинг Британияга етказиб бераётган тайёр ва ярим тайёр ҳарбий маҳсулотлари каттак тиргак вазифасини бажариб Британия Ҳиндистоннинг родини кучайтириб юборди. Бу вақтда элита қатлам вакиллари ўзини – ўзи бошқариш усулларини қидира бошлади сабаби инглиз уруш билан бўлиб Ҳиндистондаги вазиятда анча йироқлашиб қолган эди. 1916 йилда Лакхнауда бўлиб ўтган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўртасида катта йиғилиш ўтказилди, унда мўтадиллар ва лебираллар гуруҳи аъзолари ҳам иштирок эди. Бу йиғилишда иккита миллий озодлик ташкилотлари яъни экстиримистлар ва мўтадиллар бирлашди ва натижада Ҳиндистонда катта куч ҳосил бўлди. А.К.Азад бошчилигидаги радикал кучларнинг сайи – ҳаракати туфайли бирлашгани учун у раҳбар сифатида кўриладианган бўлди.

1910 йилдан Ҳиндистонда ўзини – ўзи бошқариш ижтимоий ҳаракати бошланиб кетди, бунинг асосий мақсади мустамлака давлатлар (хусусан Ҳиндистон), провинциялар, штатлар ўзларининг деярли барча ички масалаларини юқори ҳукуматдан кутиб ўтирмасдан ўзи қарор чиқариш мумкин бўлган. 1916 йилга бутун Ҳиндистонда уй бошқарув лигалари ташкил этилди. Аста секинлик билан бу лигаларни халқ ҳаракатининг бошқарувига айлантирилиб ягона партияга бирлаштирилди, 1918 йилда ягона партияга бирлашган уй лигаларининг раҳбари этиб М.К.Ганди сайланди.

1915 йилда Ганди Африкадан Ҳиндистонга қайтиб келди. Жанубда адвокат сифатида ишлаб ҳиндуларга зўровонликсиз ҳаракат олиб бориш орқали уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилган. Файласуф ўз юртида ҳам худди шундай фаолият олиб бориш учун ўзининг Сатияграҳа (ҳақиқатда қатийят) деб номланган дастурини эълон қилди. Бир неча маротаба митинглар уюштирилиб ўз дастурининг концепцияларини омма эътиборига ҳавола қилди тушунтириш берди. Бора – бора Гандининг бу чиқишлари катта оммани жалб қила олди ва ҳинд миллатчилари орасида энг машҳури сифатида танилди. Сабаби унинг дастурида ҳеч қандай зўровонлик қон тўкилиш жиҳатлари кўзга кўринмаслиги

муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш имконияти мавжудлиги деярли бутун халқни қизиқтира олди. Бу эса инглиз ҳукумати қарши курашишда Гандида йўлчи юлдуз вазифани бажариш учун яхшига имконият эди. Шу муносабат билан ҳинд диёридаги барча олимлар, файласуфлар ва сиёсатчилар Ганди атрофига тупланишиб ягона вазифани яъни ватанни мустамлакачиликдан озод қилишга киришишди.

Дунёда биринчи жаҳон уриши тугагандан сўнг геосиёсий куч эга кўпгина давлатлар бирлашишди. Хусусан урушдан сўнг ўзаро давлатлар ўртасида дунё миқёсида жанжал бўлмаслиги учун Миллатлар Лигаси ташкил этилди. Шунинг учун бу давлатлар ўз мустамлакаларига куч ишлатмаслик ва юқори элита вакиллари билан сиёсати мунозаралар олиб боришни амлиётини йўлга қуйишди. Хусусан 1919 йилда Буюк Британия Ҳиндистон бўйича Монтаго Челмсфорт ислохатлари туғрисидаги қонунни имзолади. Бу қонун ҳукуматдаги амалдорларни сайлаш ва лавозимлар тайинлаш борасида катта ишларни амалга оширди. Бундан ташқари ҳукумат тўлиқ автократиядан витци қиролликка ўтказиладига бўлди. Ҳаттоки провинцияларда губернаторларнинг ва вазирликдаги вазирларнинг ҳам сайланишига эришилди. Яна шу билан бир қаторда ҳукуматнинг Қонунчилик Ассамблиясининг сайловлар туғрисидаги қонунга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди. Ўзгаришларга кўра энди ҳиндулар ва мусулмон учун алоҳида сайлаш ҳуқуқи берилиб, ҳиндуларга тажовузкорлик ва мусулмонларга қарши чиқиш қонун доирасида чеклаб қуйилди. Британия ҳукумати “ён бериш сиёсати” ни ислоҳ қилиш билан бир қаторда мустамлакачилмикка қарши чиқиб куч ишлатган ҳаркат иштирокчилари ўта репрессивлик сиёсатини амалга оширди. Бунга яққол мисол тариқасида “Амрицар қирғини” норозилик митингини келтиришимиз мумкин. Бу митинг инглизлар ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши ўтказилган намоёишдир, унда кўплаб ҳаракат иштирокчилари ҳалок бўлган сабаби, инглизлар намоёичиларга жуда тажовузкорона тарзда қатлиом амалга оширилади.

Сатияграҳа мустамлакачиликка қарши куч ишлатмаслик ва зўравонлик қилмасликни бирлаштирган Ҳиндистонинг жамиятининг ижтимоий - сиёсий шакли эди. Дастур икки қисмдан ташкил топган бўлиб:

Биринчи қисмида инглизлар томонидан импорт қилиниб олиб келинаётган товарларга, Британия ҳукуматининг фахрий унвонларига, инглизлар судларига, парламент ва қонунчилик сайловларига ҳамда инглизлар томонидан ташкил этилган мактаб ва коллежларга ҳинд фарзандларини

юбормаслик ҳамда ҳинд ҳукумати инглиз ҳукуматининг расмий кутиб олиш каби қабулларига бойкот қилишдан иборат бўлди.

Иккинчи қисм эса жуда оддий тарзда ўтказилди яъни бутун Ҳиндистон бўйлаб давлат солиқларини тўламаслик бошланди. Бу эса ҳеч қанча вақт ўтмасдан ҳукумат қазнасини бушаб қолишига ва мустамлакачи давлат томонидан ғазнани тўлдиришига олиб келди. Ҳар вақт катта миқдорда маблағ олиб чиқиб кетилган давлат томонидан ушанча миқдорда маблағ қайтарилиши Британия қироллигига умуман ёқмаслиги аччиқ ҳақиқат эди.

### **ХУЛОСА**

Хулосамиз шуки, Ҳиндистон давлати қадим тарихга эга бўлиб, бой маданияти ва кўпгина диний таълимотларига маънавият ўчоғи ҳамдир. Агар биз унинг яқин тарихига қарасак форс шоҳлари ва туркий шоҳлар томонидан босиб олинган мустамлака давлат ҳисобланади. Энг қизиқ томони ХХ асрга келиб бутун миллат шундай қаҳрамонлик кўрсатиши одам лол қолдиради. Шу жойида яна ўзимизни жамиятимизга қайтсам, 30 йил давомида бутун бир халқни битта ғоя остида бирлашганини кўрмадим, бу эса биз файласуфларнинг айби деб биламан. Халқимиз ҳаттоки биттагина монополияга қарши ҳам яқдиллик кўрсатаолмаслиги одамни қайғуга солади. Ҳозирда биз файласуфларнинг олдида турган энг катта вазифа бутун миллатни давлатимиз томонидан юритилаётган битта миллий ғоя остида бирлаштиришдир.

### **REFERENCES**

1. Валиев Л.А. Ауробиндо Гхошнинг ижтимоий – фалсафий қарашларида инсон ақли. Academic research in educational sciences. Scientific Journal. Тошкент, 2021 феврал. № 2. 808 - 815
2. Ш.Пўлатов. XIX аср охири XX аср бошларида Ҳиндистондаги ижтимоий – сиёсий вазият. Academic research in educational sciences. Vol 1. Issue 4.2020. 469-474 б
3. W.Durant. The Case for India. Simon and Schuster. New York, 1930, p.56
4. Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 33 С
5. А.И.Левковский., Особенности развития капитализма в Индии, 42. С.
6. Валиев Л.А. Ауробиндо Гхош фалсафасининг маърифатпарварлик ғоялари. Oriental renaissance. Innovative educational, natural and social sciences journal. Тошкент, 2021 йил - №-4.Б 568-574



7. Sh.N.Pulatov Sankhya – ancient Indian philosophical school. // Pustak bharti research journal// Jan – June. Issue Toronto, Canada. No: 1-2, 2020.
8. Б.Алаев. История Востока. Т 5.:Восток в новейшее время 1914 – 1945 г. 307 – 3011.С.
9. Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 36. С.
10. Ҳасанов М.Н.(2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798
11. В.Я.Белокреницкий., В.Н.Москаленко., История Пакистан. XX век. М.:ИВРАН, Крафт, 2008. – С. 27.
12. Л.А.Валиев. Гхош таълим концепциясининг шахс маънавиятидаги ўрни. ТДТрУ.2022. Б.522-526
13. В.Бхатия Джавахерлал Неру и становление индийско – советских отношений 1917 – 1947. М.: “Мысль”, 1989. – С. 49
14. L.A.Valiyev. The philosophy of ancient religious teachings in Ghosh’s views. International Scientific Journal. November АҚШ. Volume: 103. 2021 йил P. 683-686 ISSN: 2308-4944 SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS.